# СУРАТЛАРДА АСРЛАР НАФАСИ

Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти лауреати, профессор Чингиз Аҳмаровнинг ўзига ўрнатиб кетган ёдгорлиги — қадимги мусаввирлик анъаналарини давом эттираётган шогирдлари жуда кўп. Булар орасида республика Рассомлар уюшмаси қошидаги «Усто» бирлашмасида ишлаб турган «Санойи нафиса» ижодий гуруҳидаги мусаввирларнинг алоҳида ўрни бор.

Ўтган йили кузда Тошкентда бўлиб ўтган биринчи республика ҳунармандлар ярмарка-кўргазмасида қатнашиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг совринига сазовор бўлган ижодкорлар орасида «Санойи нафиса» гуруҳи аъзолари — мусаввирлар Тоир Болтабоев, Ғайрат Камолов, Хуршид Назиров ва Содиқ Қорабоев ҳам бор эдилар.

Қадим замон мусаввирларидек, «Санойи нафиса» ижодий гуруҳи аъзолари ҳам мусаввирликнинг ҳар бир турида бирваракайига қалам тебратишга қурблари етади. Улар ҳар хил қутиларга, девордаги суратлар ва упадонларга нақшу нигор беришади, қоғозга тасвир тушириб, алоҳида лавҳа ёки лавҳалар туркумини яратишади, баъзида эса иморатларнинг ичкарисига хоналарни безатиб турувчи маҳобатли расмлар ҳам ишлашади. Масалан, Ғайрат Камоловнинг қўлида сайқал топган қутичалар ва ихчамгина суратларда кўпроқ халқ эртаклари, достонлари ҳамда Навоий асарларидан танланган лавҳа ва қаҳрамонлар тасвирланган. «Муқбил тошотар», «Савдогар ўғли», «Эртак» сингари тасвирлар билан безатилган ишлар шулар жумласидандир. Мумтоз шеъриятимиздан, Навоий достонларида азалдан тасвирга тушириш одат бўлиб қолган мавзу ва ҳолатларни мусаввирнинг «Мажнун саҳрода», «Баҳром ва Дилором овда» каби ишларида кўриш мумкин. Бу асарларнинг ўзига хослиги шундаки, ранглар мажмуаси сариқ, тилласариқ, зарғалдоқ тусларнинг ажойиб уйғунлигидан вужудга келган. Камолов ишларига хос яна бир сифат анъанавий тасвирга монанд шартлилик воситаларининг реалистик ифода йўллари билан мутаносиблигида кўринади. «Муқбил тошотар» ёки «Мажнун саҳрода» деб номланган суратларида ана шундай ҳолатни кузатамиз.

Тоир Болтабоевнинг нақшин қутича ва ихчам суратлари халқ достонлари ҳамда мумтоз шеъриятдан танланган мавзулар асосида безатилган. Буни «Гўрўғли»га бағишланган қатор асарлари, «Бунёд ва Паризод», «Фарҳод ва Ширин» тасвири чекилган буюмларда кўриш мумкин. Т. Болтобоев ишлаган расмлар ечими ва композицияси жиҳатидан мураккаб бўлиб, тасвир тушган лавҳанинг сатҳи ва замини бошдан оёғигача тўлдирилган бўлади. Суратнинг баъзи жойлари ҳатто ҳошиядан четта чиқиб кетади. Бу мусаввир сариқ, тилла сариқ рангларни кўпроқ ишлатади. Шу билан бирга, оч яшил, кўк ва қизил ранглардан ҳам ўз ўрнида фойдаланади. Қутичаларга ишланган тасвирларида онда-сонда Чингиз Аҳмаров ёки бошқа таниқли мусаввирлар асарларидан олинган ифодалар учраб қолади. Бунга «Фарҳод ва Ширин» суратли қутичани мисол келтириш мумкин.

Хуршид Назиров ишларида ҳам муаллиф истеъдодига хос сифатлар кўзга яққол ташланади. Мусаввир Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан мавзулар танлаган, хонанда ва созандалар базмини тасвирлаган, баъзида, Хоразмий ва Лутфий шеърларида куйланган маҳбубларнинг ширин висол онларини тасвирга туширган. Ҳ. Назиров суратларида нақшиндорлик устун туради. У ишлаган лавҳалар замини ёки муҳити кўпроқ қора рангда бўлиб, бу хусусият асар руҳига кескинлик ва драматизм бахш этади.



**«Санойи нафиса» гуруҳи аъзолари: чапдан С. Қорабоев, Ғ. Камолов, Т, Болтабоев, Х. Назиров устозлари Ўзбекистон халқ рассоми Ч. Аҳмаров билан**

Гуруҳнинг тўртинчи аъзоси Содиқ Қорабоевдир. Бу мусаввир қутичаларни «Хамса»дан танланган «Баҳром ва Дилором», «Лайли ва Мажнун» ёки «Човгон ўйин», «Устоз ва шогирд» мавзуларидаги суратлар билан безаган. Унинг тасвирларида ҳам кўпинча еру осмон қора рангда берилади. Бундай муҳитда оқ, сариқ, кўк ва қизил рангдаги кийимкечакли одамлар, отлар кўриниши бўртиб чиққандек туюлади. Расмлар композицияси шундай ечиладики, баъзида тасвир лавҳа сатҳига сиғмагандек бўлиб кўринади. Шу билан бирга, тасвирнинг яхлит, салмоқдор бўлиши асарга маҳобатлилик руҳини бағишлайди.

«Санойи нафиса» ижодий гуруҳини ташкил этган бу тўрт рассомни бир-биридан ажратадиган ва ўзаро яқинлаштирадиган хусусиятлар бор. Кўпинча тўртовлон бўлиб бир асарни яратишга киришадилар. Бундай асарлар, асосан меъморлик мажмуаси ёки алоҳида иморат ичкарисини,унинг хоналарини мазмунан бойитиб, гўзаллаштиришга хизмат қиладиган деворий расм ва нақшлардир.

Давлатимиз ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг Амир Темур, темурийлар ҳаёти ва фаолияти мавзуи «Санойи нафиса» гуруҳи асарларида ўзига хос ифодасини топган. Янги Ангрен ГРЭСининг маъмурий биноси фойе деворига ишланган маҳобатли сурат «Улуғбек мактаби» деб номланган. Мусаввирлар илм-маърифат, илми нужум, риёзиёт ва бошқа фанлар ривожига, меъморлик ва ҳунармандчилик тараққиётига кўп эътибор берган, Мовароуннаҳрнинг маданий муҳитини сақлаб туришга ҳаракат қилган Мирзо Улуғбек даврининг кенг, панорама тасвирини беришга ҳаракат қилганлар.

Икки йил илгари улар Тошкентдаги чет эллик меҳмонларни қабул этиш маросимлари ўтадиган даргоҳ меҳмонхонасини Амир Темурнинг жаҳонгирлик фаолияти ва ўша замоннинг баъзи лавҳаларини ифода этувчи суратлар билан безашди. Бу суратларни яратишда тарихий, адабий манбаларга, хусусан, анъанавий мусаввирлик санъатининг намуналарига мурожаат қилганларини, жаҳонгир тасвири Камолиддин Беҳзод қаламига мансуб миниатюрадан олинганини муаллифларнинг ўзлари қайд этадилар.

«Усто» бирлашмаси қадимги мусаввирлик анъаналарини тиклашга киришганда қайси мактаб, бадиий йўналиш ва уларнинг қайси вакиллари ижодидан ўрганиш мўлжалланган эди? Султон Ҳусайн Бойқаро ва Эрон шоҳларининг сафавийлар сулоласи даврида, XV асрда тараққий этган Ҳирот ва Табриз мусаввирлиги мутахассислар томонидан анъанавий мусаввирликнинг энг юқори босқичи деб тан олинган. Шунинг учун «Усто»даги рассомлар улардан бири, кейинчалик бутун Мовароуннаҳрда мусаввирликка асос бўлган Ҳирот мактаби, Беҳзод санъати ва унинг шогирдлари ижоди анъаналари ҳамда тажрибасидан фойдаланишни мақсад қилдилар.

Агар қадимги, анъанавий мусаввирликни тиклаш, уни давом эттиришга бел боғлаган мусаввирларнинг ҳаммасини назарда тутсак, улардан баъзилари, масалан, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов бу борада ўша юксак чўққилар сари ҳормайтолмай интилмоқда. Ҳатто ўша даражага етиб қолди, десак ҳам бўлади. Бироқ кўпчилик Ҳирот мактабига хос мусаввирлик услубининг яқинига бора олмаган. Айтайлик, қутича, упадон ва шунга ўхшаш буюмларга туширилган кўпгина тасвирларнинг услуби Россиядаги машҳур Хохлома миниатюрасини эслатади.

Девордаги расмларга келганда, жумладан, «Санойи нафиса» гуруҳи ижодига мансуб асарларда худди қўлёзмалар тўғридан-тўғри кўчирилгандек кўринади. Ахир, бир варақ қоғозга чизилган тасвир ундан ўн-ўн беш баробар катта девор сатҳига кўчирилса, ўзгариши керак эмасми? Шундоққина кўз олдимизда турадиган тасвир билан қоғоз сатҳидан бино муҳитига кўчирилган суратнинг тасвирий воситалари, ранглар тусланиши ўзгармайдими? Тасвир шакли хонанинг қоронғу-ёруғлигига мосланадими, ҳар хил жойда қандай кўринади? Мана шуларни ҳисобга олиш керакмикан? Ҳирот мактабидан, умуман, қадимги мусаввирликдан (III—VIII асрлардан мустасно) деворий намуналар сақланмаган бўлса, Чингиз Аҳмаровнинг деворий расмларидан сабоқ олиш керак. «Санойи нафиса» гуруҳининг ижодини мукаммаллаштириш, анъанавий мусаввирликдаги қадимги тажрибани тиклаш, давом эттириш, уни бойитишга қаратилган фаолиятни бадиий нафосат даражасига кўтариш учун мусаввирларни ўргатиш тўгарак ва студиялардагина олиб борилмай, Консерваторияда мумтоз миллий мусиқамизни ўргатаётганлари сингари, Маннон Уйғур номидаги Санъат даргоҳида, илмий дастур асосида, мутахассис рассом-ўқитувчилар ёрдамида пухта-пишиқ сабоқ беришни йўлга қўйиш керак.

**Абдулҳай УМАРОВ**

Рустам ХЎЖАЕВ

## ДИЁРИМ

**(қўшиқ)**

Тонг уйғонар қуйнингда яйраб,
Сенга доим парвона қуёш.
Қутлар бугун тасанно айлаб,
Кўксида қўл, дўсту ёр, қардош!

Мустақил юрт, тинчлик шиоринг,
Офтоб мисол чеҳранг, диёрим!

Тилагимдир аждодлар ҳақи,
Довруғ солгин оламга ўзинг!
Бошимизда истиқлол балқиб,
Кўрсатадур жаҳонга юзинг.

Мустақил юрт бирлик шиоринг
Офтоб мисол чеҳранг, диёрим!

Миллатларинг бўлиб муштарак
Яшар иноқ бир жону бир тан
Буюк айём бўлсин муборак,
Эй, қуҳна юрт, ҳур Ўзбекистон!

Мустақил юрт дўстлик шиоринг,
Офтоб мисол чеҳранг , диёрим!

# УМР СИНОВЛАРДАН ИБОРАТ

*Қутлаймиз!*

Қарийб ярим асрдирки, ёзувчи ва журналист Яздон Худойқулов баракали ижод қилиб келаётир. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунунида таҳсил олиб, дастлаб ёшлар ташкилотларига раҳбарлик қилди.

Кейинчалик Я. Худойқуловнинг фаолияти матбуот билан боғланди.

Ўзбекистон телеграф агентлигининг Самарқанд ва Бухоро вилоятлари бўйича мухбири, вилоят газеталарининг махсус мухбири, «Каттақўрғон ҳақиқати» газетасида масъул котиб вазифаларида ишлади. 1979 йилдан 1983 йилгача Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар драма театри раҳбари, Ўзбекистон Маданият вазирлиги қошидаги репертуар -саҳна асарлари таҳририяти кенгаши аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. «Иғвогар», «Дугоналар», «Гулнома», «Орият», «Севгини ардоқлаш керак», «Кампир кетармиш» «Суд» сингари пиесалари Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон театрида, ёзувчи Назир Сафаров билан ҳамкорликда яратилган «Лукаш ботир» драмаси Ҳамза номидаги академик драма театрида, «Орият» — Андижон вилоят мусиқали театрида, «Кампир кетармиш» эса Муқимий номидаги мусиқали драма театри ҳамда Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрида, «Севгини ардоқлаш керак» асари Қуқон театрида саҳналаштирилди.

— 1959 йилнинг ўрталари эди, — дея хотирлайди Яздон ака, — хотин-қизлар ҳаётидан бир воқеа сабаб бўлиб, қалбимда саҳна асари ёзишга киришдим. Бу ишни ниҳоясига етказишимда Каттақўрғон шаҳар драма театрининг собиқ бош режиссёри, марҳум Рихси Орифжонов қимматли маслаҳатлар берди. Асарга «нуқта» қўйилгач, дастлаб устозим, таниқли шоир Мамарасул Бобоев ва драматург Зиннат Фатхуллин уни ўз «чиғириқ»ларидан ўтказишди. Саҳна асари ёзиб, уни саҳналаштиришга тавсия эттириш ғоят мушкул эди ўша йилларда. Шу боис Мумтоз Муҳамедов, Акмал Пўлат ҳамда Пўлат Мўмин каби таниқли ижодкорлар ҳам асаримни ўқиб маслаҳат ва кўрсатмалар беришди. Хуллас, анча ишловлардан сўнг асар Маданият ишлари вазирлигида ўқилди. «Дугоналар» асарини саҳналаштиришгача кечган жараён мен учун катта синов бўлди. Ниҳоят, илк асарим Каттақўрғон театрида саҳналаштирилди. Ўша кун ҳаётимдаги қувончли воқеалардан бири бўлган эди, десам янглишмайман.



Етмишинчи йиллардан эътиборан, Яздон Худойқуловнинг драматик асарлари саҳналаштирила бошланди. Унинг қаҳрамонлари — турли тоифадаги замондошларимиз. Я. Худойқулов асарларида яхшилик, поклик, эзгулик ҳар қандай қабиҳлик устидан тантана қилади. Асардаги воқеа-ҳодисаларнинг ишонарли, таъсирли чиқиши учун драматург ҳар бир образ устида жиддий изланади, қаҳрамонлари билан ҳамдард, ҳамнафас яшайди.

Ёзувчи тарихий шахслар образини яратиш устида ҳам жиддий изланаётир. Бу мавзудаги эътиборли асарларидан бири «Гулнома» драмасидир. Унда каттақўрғонлик маърифатпарвар шоир Очилдимурод Мирий ҳаёти ва ижоди баён этилган. Маълумки, Очилдимурод Мирий ўзбек ва тожик тилларида икки девон, бир неча достонлар яратган.

«Гулнома» драмаси Каттақўрғон театрида муваффақиятли саҳналаштирилган. Саҳна асари хусусида театр танқидчилари ижобий фикрлар билдирдилар. Яздон Худойқулов Мирий ижодини ўрганишда биргина драмаси билан чекланмади. Унинг Мирий ҳаёти тўкис баён этилган «Қалбдаги доғ» қиссаси яқинда «Зарафшон» нашриётида чоп этилди. Вилоят «Зарафшон» газетасининг 1988 йил декабр ва 1989 йил апрел сонларида Я. Худойқуловнинг «Чорраҳа» романидан айрим боблар эълон қилинган эди. Бу асар айни кунда «Камалак» нашриётига топширилган.

Ёзувчи Я. Худойқулов деҳқонлар, ишчилар, айниқса қурувчилар ва бошқа касб соҳиблари ҳузурида тез-тез бўлиб, улар билан дилдан гурунглашади. Хўжаликлар, корхоналар, маҳаллалардаги муаммоларни бартараф этиш борасидаги фикрлари билан матбуотда тез-тез чиқиб турарди. У ўз юртдошлари — олимлар, қаҳрамонлар, шижоатли инсонлар ҳақида ўнлаб лавҳалар, очерклар ёзган. Булар китоб ҳолида ҳам нашр этилган.

Таржимон сифатида баракали қалам тебратаётган Я. Худойқулов испан драматурги Гарсия Лорканинг «Қонли тўй», А. Островскийнинг «Барно йигит» пиесаларини А. Лозиеванинг «Чукча эртаклари» китобини, бир қатор ҳикоя ва қиссаларни ўзбек тилига ўгирди. Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» ҳажвий қиссаси асосида Каттақўрғон театрида саҳналаштирилган томошанинг таржимаси ҳам Я. Худойқулов қаламига мансуб.

Шунингдек, Яздон аканинг ёш қаламкашларга бераётган амалий ёрдами, қимматли маслаҳатлари ҳамда ўлкамиз тарихи, маданияти, санъатини ўрганиш борасидаги изланишлари ҳам эътиборга молик. Кейинги йилларда «Каттақўрғонни тиклаш» жамғармасига раислик қилаётир.

Ўзининг етмишинчи баҳорини қаршилаш арафасида турган серқиррали ижодкор ҳамон изланишда.

— Очиғи, саҳнани, санъатни ғоят қадрлайман, — дейди Яздон ака,— чунки, адабиёт майдонига кириб келишимда драманавислик асосий мактаб ролини ўтаган. Шу боис, асарларимнинг саҳналаштирилишида менга ҳамкорлик, маслакдошлик қилган Каттақўрғон театрининг етук режиссёрлари Рихсивой Орифжонов, Ширин Мелиева, Зубайдулла Рўзиев, Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрининг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошевнинг беминнат ёрдамларидан миннатдорман.

Яқинда Я. Худойқулов «Инсон қадри» деб номланган публицистик китобини нашриётга топширди. Афғон фожиалари ҳақидаги «Менинг дардим» саҳна асарини эса ёзиб тугаллади. Ҳормайтолмай баракали қалам тебратаётган нуроний ёзувчимизга бардамлик тилаймиз.

**Абдуазиз ҲОШИМОВ**

# ТУЛПОРИНГ ТОЙМАСИН, ЧАВАНДОЗ

Бўлажак чавандоз Ҳаким Зарипов болалигиданоқ санъатимизнинг мусиқа, тасвир, қўшиқ каби турларига ниҳоятда ишқибоз эди. Лекин чавандозлик санъатининг оҳанрабоси, отга нисбатан болаликда уйғонган меҳр уни цирк майдонига чорлади. Тошкент шаҳрининг Қашқар мавзесида туғилиб ўсган Ҳаким Зарипов 8 ёшдан бошлаб бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнашиб, ўзбек циркининг етук устозлари меҳр тафтида отларни ўз измида ўйнатиш санъати борасида жиддий машқ қила бошлади. Отаси — Карим Зариповнинг ҳазилкаш ва дилкашлигидан бўлса керак, ҳамкасблари ва цирк ходимлари Ҳаким акани «Карим қизиқнинг ўғли» деб ҳам аташарди.

Муҳтарам газетхонлар Карим ота Зариповни яхши танийдилар, албатта. Ўзбек цирк санъатида чавандозликка асос солган бу моҳир санъаткор раҳбарлигида намойиш этиладиган ҳар бир цирк томошаси гўё имтиҳонга ўхшарди. Кўтаринки завқу шавқ билан майдонга чиққан чавандозлар отларни ҳам шитобга ундагандек бўларди. Уларнинг чиқишлари томошабинлар қалбида жўшқинлик уйғотиб, ҳар сафар ўчмас хотира қолдиради. Карим Зариповнинг улкан ютуқларида, шубҳасиз, унинг рафиқаси Муборакхон Зарипованинг хизматлари беқиёсдир. Уларнинг ворислари Ҳаким ака, Холида опа, келини Нинахон, набиралари Гавҳархоним, Анваржон ва эваралари Карима ва Эркинжонлар Карим ота ва муҳтарама Муборакхон аянинг муқаддас анъаналарини фахр билан давом эттирмоқдалар. Биз сизга ҳикоя қилаётган Ҳаким Зарипов ана шу ворисларнинг энг муносибларидан биридир. Ўтган йили Карим отанинг бир асрлик ва Ҳаким ака Зариповнинг 70 йиллик таваллудлари кенг нишонланди.

1956 йили Ҳаким Зарипов бошлиқ чавандозлар гуруҳи икки ойлик муддат билан Венгрияга сафарга борган эдилар. Ўзбек чавандозларига ҳурмат юзасидан Будапештдаги асосий цирк майдони бўшатиб берилди. Гастрол сафарининг 37 куни ўтгач, Будапешт циркининг директори Ҳаким Зариповдан сафарни яна бир неча кунга узайтиришни қайта-қайта илтимос қилганини чавандозлар ҳамон эслашади.

Венгриядаги сафар салкам 70 кунга чўзилиб кетганди ўшанда. Шу ўринда ўша йилларда «Бекешчаба» номли венгер газетасида эълон қилинган бир мақоладаги қуйидаги сўзларни келтириш ўринли деб биламиз: «Жаҳонга машҳур Ўзбекистон диёри оқ олтин миришкорлари ватани бўлибгина қолмай, балки ўзининг миллий цирк санъати соҳасидаги бетакрор, истеъдодли устозларига эга экан. Улар дунёга ўзбек халқининг нақадар бой анъаналарга эга эканлигини фахр ила намойиш этмоқдалар. Ўзбекистон Ҳаким Зарипов бошчилигидаги чавандозлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди». Ўша тарихий сафарда Саидмурод Сотволдиев, Нина Зарипова, Фахриддин Шарифбоев, Мирзоҳид Мирмақсудов, Илҳом Даламуҳамедов, Пирназар Юсупов, Александр Какорин бор эдилар.

Ҳаким ака Зарипов билан бўлган суҳбатлардан бирида шундай савол бердик:

— Сиз бир неча йиллардан бери бой тажрибангиз, бетакрор чавандозлик санъатингиз билан халқимизга ҳалол хизмат қилиб, ҳурматга ҳамиша сазовор бўлиб келяпсиз.



Айтинг-чи, ҳар галги чиқишингиздан олдин ҳаяжонланасизми?!

— Албатта, ҳар қандай устоз санъаткор ҳам ҳаяжонда ўзини масъул сезади. Лекин, менинг ҳаяжоним энг аввало отамни хурсанд қила оладиган даражада дастур намойиш эта оламанми, деган савол билан боғлиқ. Агар шу ишни уддаласам, халқ олдида ҳам, отам олдида ҳам ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

Ҳаким аканинг бу оқилона жавоби отаси, онаси ва бутун Зариповлар сулоласининг чавандозлик оламидаги ноёб бой анъаналарига ҳурмат ва ихлос билан ёндашиб келаётганини билдиради. Устазода Ҳаким Зариповнинг чавандозлик санъатини ёритувчи қатор ҳужжатли филмлар яратилган. Жумладан, Беларус кинематографчилари томонидан яратилган «Нестерка», «Лайли ва Мажнун» (Озарбойжон) бадиий филми, Тожикфилмнинг «Дохунда» каби асарларидаги чавандозлик санъатининг энг юксак намуналари ҳанузгача ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. 1967 йили Америка телекомпаниясининг режиссёрларидан бири Майкл Н. Кинг томонидан Ҳаким Зариповнинг кўп йиллик ижодий фаолиятини ёритувчи ҳужжатли филмлар асосида бадиий филм яратилган эди. Бу филм америкалик томошабинларни лол қолдирганини режиссёр ғурурланиб айтиб берганди. Агарда барча давлатларда яратилган филмлардан Ҳаким Зариповнинг чавандозларига оид қисмлари жамланса, каттагина икки қисмли тарихий филм бўлиб қоларди. Лекин Ҳаким ака эришган ютуқларини охирги мезон деб билмайди.

— Менинг барча ҳурмат, обрў-эътиборим ва чавандозликда маҳоратимнинг такомиллашуви отам Карим Зарипов яратган мактабнинг сўнмас маҳсулидир, — дейди Ҳаким Зарипов. — Чиқишларимизнинг ҳар бирида ҳурматли отамизнинг ёркин руҳлари мадад бериб туради. Катта ютуқларга эришишимизнинг омилларидан яна бири ўзбек миллий цирк санъатини оламга олиб чиқиб, қойил қолдирган устозлар ҳаёти ва ижодий фаолиятларини кунт билан ўрганиш ва керакли хулосалар чиқаришдадир.

Жумладан, Тошкенбоевлар, Хўжаевлар сулоласи, айниқса, менинг кўп йиллик қадрдоним Акром Юсуповдек ноёб қизиқчиларнинг цирк оламидаги ҳаётлари алоҳида бир олам.

Ҳаким ака Зарипов 70 ёшга кирибди, десалар ишонгинг келмайди. Чунки бу чавандозлар сардорининг ғайрати, шижоати кучга тўлган навқирон йигитдан қолишмайди. Ҳаким акадан бунинг сирини сўраганимизда шундай дедилар:

— Менга доимий куч ва ғайрат бағишлаётган сир — фарзандларимнинг, набираларимнинг цирк майдонларида олаётган олқишлари-ю, ўлмас чавандозликнинг янгидан-янги қирраларини очаётганликларидир.

Ҳа, Зариповлар сулоласининг довруғи ҳамон жаҳон бўйлаб кезмоқда. Цирк чавандозларининг мангуга қолажак анъаналари давомчиларига ҳамиша омад ёр бўлсин, деймиз. Отларингиз сира қоқилмасин, азиз чавандозлар!

**Озод КАРИМОВ**

# БАХТЛИ БЎЛИШ УЧУН ТУҒИЛГАН

Ҳар бир спектакл ортида, у қандай саҳналаштирилган бўлишидан қатъи назар, кўплаб одамлар, уларнинг машаққатли меҳнати, изланишлари, ушалган ва ушалмаган орзулари туради. Мана шу одамларнинг ҳар бири театрнинг қалби ва руҳияти, шунинг учун ҳам ҳеч қачон бу заҳматкашларни ёддан чиқармаслик керак. Бизнинг қаҳрамонимиз Людмила Ивановна Стотская ҳам ана шундай заҳматкашларнинг бири. Мана, ўн саккиз йилдирки, у Тошкентдаги М. Горкий номидаги рус давлат академик драма театрида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг учун театр ягона саждагоҳ, ягона умид. Унинг қон-қонига сингиб кеттан театр руҳи ҳар қадамда таъқиб этиб, кузатиб туради. Ана шу руҳ Людмилани театр билан чамбарчас боғлаган. Бошқа санъат турларига, айтайлик, кино ёки реклама ролкларига ўтиб туришига йўл қўймайди, фақат театр унинг ягона маскани эканини таъкидлаб туради.

**— Красноярск театр билим юртида ўқиб юрган кезларимда агар актриса бўлсам, фақат театрда хизмат қиламан, — деб ўйлардим, — дейди Людмила Стотская. — Шундай бўлди ҳам. 1971 йили Хабаровск театрига ишга келиб, бутун вужудим билан ижодий жараёнга шўнғиб кетдим.**

**Хабаровск театри саҳнасида Л. Стотская А. Островский, М. Горкий, К. Голдони, А. Арбузов, А. Салинский каби драматургларнинг турли асарларида рангбаранг роллар ижро этди.**

1974-79 йиллар давомида А. П. Чехов номидаги Самарқанд рус драма театридаги муваффақиятли ижоди Людмилага шуҳрат келтирди. Айниқса, режиссёр А. Гринберг билан бўлган учрашув унинг тақдирида ҳал қилувчи рол ўйнади. Айнан шу одамда Людмила ўзининг театр бўйича ҳақиқий устозини топди.

**— Александр Михайлович билан ишлаш мен учун бахт эди, — дея эслайди Л.Стотская. — Унинг ёрдами билан бир неча замонавий драматурглар, рус ва чет эл классиклари асарлари асосидаги спектаклларда эсда қоларли роллар ижро этдим. Гринберг билан ишлаш жараёнида том маънода режиссура нима, театр нима эканини тушундим...**

Людмила Стотскаянинг Горкий номидаги театрдаги фаолияти 1979 йилдан бошланди. Албатта, нотаниш труппа, янги партнёрлар, янги жамоага сингиб кетиш жараёнлари бошида бироз қийин кечди. Актриса бу қийинчиликни ўзининг аста-секин, тинимсиз изланишлари орқали яратган янги-янги образлари билан енга бошлади. Булардан «Тунги эрмаклар»даги Силлина, «Тонгги осмондаги юлдузлар»да Валентина, «Буюк сеҳргарлик»да Заира, «Овлоқ латифалари»да Катерина, «Виндзорлик қизиқчилар»да миссис Форд ва бошқа образларни эслаб ўтиш мумкин...

**— Айниқса, «Тонгги осмондаги юлдузлар» спектаклидаги Валентина образи менинг ички дунёмни бойитди, ижодий бахт келтирди.**



**Репетиция жараёнида рус аёли қалбини тушунишга ҳаракат қилар эканман, мени кўпроқ кундалик турмуш икир-чикирлари эмас, умуминсоний характерлар муаммоси қизиқтира бошлади: ҳаёт нима, гуноҳ нимаю ҳаётнинг ҳақиқий маъноси нимада? Мана шундай саволлар мени ўз гирдобига оларди...**

Дарҳақиқат, Валентина роли ижросида актриса Горкий номидаги театр ҳамиша фахрланиб келган саҳна ҳақиқати даражасига кўтарила олди. Бинобарин, Стотская ижросидаги Валентина ниҳоятда мураккаб, кескин характерли аёл.

Людмила Стотскаянинг айтишича, ҳар бир одам бахтли бўлиш учун туғилган. Фақат ҳар ким бахтга турлича йўллар билан боради. У ўзининг саҳнадаги вазифасини ана шу бахтга олиб борадиган йўлни кўрсатишда деб билади. Актрисанинг «Шайтон васвасаси», «Овлоқ латифалари» ва «Виндзорлик қизиқчилар» спектаклларидаги ролларини ижодидаги энг юқори нуқталар деб бемалол айтиш мумкин. Бу образларда унинг юксак комик актриса сифатидаги жиҳатлари яққол намоён бўлди. Айтайлик, «Овлоқ латифалари»да у соф ва жиддий, ҳеч қандай гримсиз ва бўёқсиз, оддийгина кийимдаги Катерина образини яратади. Бир қарашда ҳеч қандай хусусияти билан диққатни тортмайдигандай кўринган бу аёл ўзининг юксак маънавий хислатлари билан томошабинни лол қолдиради. У билан бирга саҳнага нафақат нур, балки умид, ўзини бахшида қила билиш каби юксак инсоний фазилатлар ҳам кириб келади. Образ яратишдан мақсад шуки, одам шунчаки бир нарса эмас, балки асосий мақсаддир.

**— Илгари, — дейди Людмила Стотская, — мен кўпроқ бош қаҳрамонлар образларини яратишни хоҳлардим. Ҳозир эса турли-туман қиёфадаги характерли ролларни яратишга иштиёқим баланд.**

Шу маънода унинг «Виндзорлик қизиқчилар» спектаклидаги миссис Форд роли характерли. Бу образ бирпасда томошабинни ўзига ром этади. Чунки актриса ниҳоятда ёқимтой, латофатли аёл образини ярата олган.

Ўйлаймизки, юқорида айтиб ўтилган спектакллардаги ролларининг ўзиёқ Людмила Стотскаянинг актриса сифатидаги қиёфасини тушунишга ёрдам беради. Унинг санъаткор сифатидаги иқтидорининг моҳияти шундаки, ўзи яратаётган ҳарбир образ табиатини чуқур тадқиқ этишга, унга бутун қалбини, борлигини сарф қилишга, томошабинни ўз персонажларини тушунишга мажбур қилади. Бундан буён яратажак ролларида эса актриса мутлақо бошқача қиёфада намоён бўлишига ҳеч шубҳамиз йўқ.

**Владимир ОСТРОВСКИЙ,**
театршунос

